ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 5 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01022

ИНСОН МАЪНАВИЙ КАМОЛОТИДА ДИН МУҲИМ ОМИЛ СИФАТИДА

Фарҳод Турсунбаев
Чирчиқ давлат педагогика институти талабаси

АННОТАЦИЯ

Бугун биз тез суръатлар билан ўзгариб бораётган, инсоният ҳозирга қадар бошидан кечирган даврлардан тубдан фарқ қиладиган ўта шиддатли ва мураккаб бир замонда яшамоқдамиз. Бундай мураккаб вазиятда инсон маънавиятини сақлаб қолиш жуда мураккаб ҳисобланади. Айниқса, инсон маънавиятини шакллантиришда диннинг ўрни катта, шунинг учун ҳам ёшларга берилаётган тарбияни дин билан қўшиб олиб бориш зарурдир. Ушбу мақолада инсон маънавий камолатида дин муҳим омил эканлиги ёритиб берилган.

Калит сўзлар: инсон, ёшлар, маънавият, таълим, тарбия, дин, оила, қадрият, миллий қадрият.

RELIGION AS AN IMPORTANT FACTOR IN SPIRITUAL PERFECTION

ABSTRACT

Today we live in a very intense and complex time that is changing rapidly, radically different from the times that humanity has ever experienced. It is very difficult to maintain human spirituality in such a complex situation. The role of religion is especially important in the formation of human spirituality, so it is necessary to combine the education of young people with religion. This article highlights that religion is an important factor in human spiritual maturity.

Keywords: human, youth, spirituality, education, upbringing, your, family, value, national value.

КИРИШ

Маълумки, мамлакатимизда миллий-маънавий тикланиш, ёшларимиз онги ҳамда дунёқарашини миллий қадриятлар асосида бойитиб бориш, миллий маънавиятимизни турли таҳдидлардан асраш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида, жумладан, маънавий ҳаётдаги янгиланиш жараёни ва туб ўзгаришлар даврини бошлаб берди. Шунингдек, динга бўлган муносабат ижобий томонга ўзгарди, яъни

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01022

диннинг жамият ҳаётидаги муҳим ўрнига мувофиқ, буюк аждодларимиз томонидан яратилган қадриятларни қайта тиклаш асосида аниқ ва принципал чора-тадбирлар кўра бошлади. Давлатнинг динга янгича муносабати “инсон эътиқодсиз яшай олмайди” деган аниқ ишонч асосида белгиланди. Дарҳақиқат, дин кишиларни ҳамиша яхшиликка, эзгу ишларга чорлаб келган. Жумладан, ота-боболаримизнинг муқаддас эътиқоди бўлган ислом дини ҳам юксак инсоний фазилатларнинг шаклланишига хизмат қилган. У туфайли халқимиз минг йиллар мобайнида бой маънавияти ва мероси, ўзлигини омон сақлаб келди.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Маънавиятли, комил инсонни тарбиялаш тарихда ҳам ҳозирги кунда ҳам трендда бўлиб келган. Тарихда уламоларимиздан Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, ал-Мотурудий, Абу Наср Форобий, Ғаззолий, Ҳусайн Воиз Кошифий, Маҳмуд аз-Замахшарий, Жалолиддин Румийларнинг асарлари маънавият соҳасидаги дунё дурдоналари ҳисобланади.

Яқин ўтмишда яшаб ўтган маърифатпарварларимиздан Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитрат, Абулҳамид Чўлпон, Абдулла Қодирий, Мунавварқори Абдурашидхоновларнинг асарларида ўзлари яшаган шўро ҳукумати даврида миллатни ўзлиги ва маънавиятини сақлаб қолишликка тарғиб этилган.

Маънавият соҳасида И.Саифназаров, Э.Умаров, М.Абдуллаев, М.Ҳамдамова, М.Шарифхўжаев, З.Давронов, С.Носирхўжаев, М.Ф.Лафасов, М.З.Зарипов, Н.Мўминов, А.Эркаев, М.Имомназаров, С.Отамуротов ва бошқалар илмий ишлар олиб борганлар.

Мақолани тайёрлашда тарихийлик, танқидийлик, тизимли методлардан фойдаланилди.

НАТИЖАЛАР

Ўзбекистон биринчи Президенти И.Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида маънавият, ёшлар тарбияси, миллий ўзликни англаш, миллий маънавият масалаларига эътибор берилган бўлса, ҳозирги президентимиз Ш.Мирзиёевнинг “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” асарида ёшларни маънавий етук инсон этиб тарбиялаш, чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси бўлиш узлуксиз ҳаётий эҳтиёжга айланиши, ёшлар билими, савиясини ошириш учун илм-маърифат, юксак маънавият кераклиги илгари сурилган [1-2].

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01022

Абу Райҳон Берунийнинг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асарида халқларнинг диний дунёқараши, маданий ҳаёти, урф-одатлари очиб берилган. Фаробий ислом фалсафасига асос солган бўлса, Ғаззолий ҳокимият ва дин ўзаро алоқадорлиги, дин инсонларни тартибга солиш механизми сифатида амал қилишини алоҳида таъкидлайди.

МУҲОКАМА

Маънавият ер юзидаги мавжудотлардан фақатгина инсонлардагина мавжуд ҳисобланади. Албатта, инсон маънавияти туғилиши билан мавжуд бўлиб қолмайди бунга ота-онанинг болага берган тарбияси боланинг ташқи муҳитдаги инсонлардан олган ўрнаклари, “ойнайи жаҳон”даги фильм ва мусиқалар таъсир қилади. Шунингдек, инсон маънавияти шаклланишида дин омили ҳам мавжуд бўлиб, мақолада айнан диннинг инсон маънавиятининг шаклланишида тутган ўрни ҳақида мулоҳазалар баён этилади**.**

Албатта, дин барча инсонлар учун ҳам маънавий камолотга эришиш вазифасини ўтамаган, чунки динга барча инсонлар ҳам амал қилмайди ва ишонмайди. Тарих китобларига таяниб айтадиган бўлсак дастлаб одамлар дин ҳақида тасаввурга эга бўлмаган. Улар табиат ҳодисаларига, ҳайвонларга, туморларга сиғинишган. Дастлаб пайдо бўлган динлардан яҳудийлик дини милоддан аввалги 2000-йилларда пайдо бўлган [3, 102]. Кейинги даврларда мил.авв.VI-V асрларда буддавийлик [3, 60] ва мил.авв. VII-VI асрларда зардуштилик [4, 15] таълимотлари вужудга келган. Милодий I асрда христианлик [4, 25] ва VII асрда ислом дини [5, 33] вужудга келди.

Диннинг маънавиятга таъсирига келадиган бўлсак, дастлаб қабилалар сўнгра давлатлар вужудга кела бошлагандан сўнг жамиятда юриш туриш қоидаларини, ахлоқ қонунларини ишлаб чиқа бошлашди. Қабила ва давлат раҳбарлари динга асосланган ахлоқий қоидаларни жорий қилдилар. Диний лавозимлар жорий этилди. Бош коҳин лавозими, шомон кейинчалик черковлар ташкил этила бошлагандан сўнг руҳонийлар давлатда ахлоқ нормаларини тартибга солиб турувчи кучга айлана бордилар.

Қуйида тарихда дин ва таълимотларнинг инсон маънавиятида тутган ўрнини ва инсон маънавиятига таъсирини биз зардуштийлик таълимоти ғоялари мисолида кўришимиз мумкин.

Зардуштийлик энг қадимги динлардан бўлиб, унинг асосий ғоялари оламдаги барча тартиблар, эзгулик (яхшилик) ва ёмонликдаги, зиё ва зулмат, ҳаёт ва ўлим ўртасидаги курашга боғлиқ; дунёдаги барча эзгуликларни

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01022

Аҳурамазда, ёмонликларни Аҳриман ифодалайди; бу курашда одам олий кучлар иҳтиёридаги ўйинчоқ эмас, у танлаш эркинлигига эга, у ўз ғайрати билан бу дунёда адолат топишига таъсир эта оладиган кишидир. Демак, ҳозир ҳам кимки, ўзини илоҳий куч қўлидаги қўғирчоқ ҳисобламаса, ўзига бирор касбни танлаб олса, ғайратли бўлса, адолатсизликка дуч келса унга қарши кураша оладиган инсон бўлиб етишишлари шарт.

Зардуштийликда у замонларда кенг тарқалган кўчманчилик қораланиб, деҳқончилик эзгулик сифатида рағбатлантирилган. Бундан хулоса чиқариб, ҳозир ҳам ҳар бир одам ҳеч бўлмаса бир туп мевали дарахт, гул, сабзавот эксин, ўзига меваси насиб этмаса фарзандларига, бечораларга насиб этади, савоб бўлади.

Зардуштийликда тўрт элемент сув, олов, тупроқ, ҳаво ғоят улуғланган; буларни асраш, авайлашга даъват этилган. Унинг тарбиявий аҳамияти ҳозир ҳам катта. Бунга амал қилиб, ҳар бир онгли, ақлли ватанпарвар, халқпарвар, ёшу-қари томчи сувни ҳам исроф қилмаслиги, энергия, ҳаёт манбаи оловини, демак газни, кўмирни, нефтни, ўтинни асраши; тупроқни ифлос қилмаслиги, эррозияга яъни нураш, шўрланишга йўл қўймаслиги; ҳавони эса покиза сақлаши, экологик халокатга учратмаслиги ҳам қарз, ҳам фарз.

Зардуштийликнинг ҳозирги давр кишилари учун аҳамияти шундаки, унда одамлар доим покиза юришга, баданни тоза тутишга ёмон кирдикорлар қилмасликка; ҳар қандай ёвуз ният ва ҳақоратли асаббузар сўзларни айтмасликка, аёлларни, жумладан қизларни севишга ҳамма соҳада мўтадил (оптимал) бўлишга даъват этувчи қоида даъват, ўгитлар баён этилган. Хулоса шуки, Зардуштийликда диний кўрсатмалар ҳақидаги ғоялар билан бирга реал, дунёвий ҳозир ҳам фойдали, насиҳат, тавсия, чеклаш, таъқиқлаш, рағбатлантиришга доир ўгит ва даъватлар кўп бўлган.

Диннинг инсон маънавиятга таъсирини қуйидаги жиҳатлар билан ифодалаш мумкин.

Инсонлар гуноҳларининг аксариятини ёлғиз қолганда, ҳаммадан беркитиб пана жойларда қилишади. Агар уларни кимдир гуноҳ қилаётганда кўриб қолса улар уялиб қолади, агар дадаси ёки акаси кўрса калтак ейиши мумкин. Демак улар ана шу инсонларнинг жазосидан, уларнинг гап-сўзидан қўрқиб ёлғиз қолганида ёки панада гуноҳ қилишади.

Уламолар Аллоҳни эътиборсиз қолдириб энг охирги даражага тушириб қўймагин деб айтишган. Аллоҳ билгувчи ва эшитгувчидир. Гуноҳ қилаётган инсон ёлғиз қолганида ҳам пана жойда ҳам Аллоҳни энг юқори даражага

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01022

кўтариб, уни ишончли гувоҳ эканлигини англаб, Аллоҳ уни кўриб турганлигини ҳис қилиши керак. Ўлганидан сўнг ундан Аллоҳ ундан мени энг паст даражада кўрдингми? ёки ҳамма одамлардан қўрқиб беркитиб гуноҳ қилдинг, ва мени ҳамиша кўриб турганлимни билиб туриб гуноҳ қилдингми? деб саволлар берса нима деб жавоб беришини ўйлашлиги керак. Ана шунда инсонда юксак маънавият шаклланади. Энди у ҳар қандай пайтда ва жойда ҳам инсонлардан қўрқиб, уялиб эмас балки Аллоҳдан қўрқиб, уялиб гуноҳдан тийилади.

Инсонлар ёшлигидан бошлаб ҳар куни: Аллоҳ мени кўриб турибди, Аллоҳ мени билиб турибди, Аллоҳ мени гувоҳим деб айтса бу сўзлар уни вужудига сингиб кетади. Ҳаёти давомида уни гуноҳлардан тийилишига сабабчи бўлиши мумкин.

Қуръони Каримда “илм” сўзи асосида “алима” билмоқ феъл негизига таянган калималар 750 маротаба учраши илмий тадқиқотларда қайд этилган. Пайғамбаримиз “Илм олиш ҳар бир муслим ва муслима учун фарздир” деган ҳадислари негизида исломнинг илмга бўлган юксак эътиборидан далолат беради.

Исломда инсон эътиқодини зўрлик билан ўзгартириш мумкин эмаслигига урғу берилади. Зеро, «Агар Парвардигорингиз хоҳласа эди, бутун ер юзидаги барча кишилар иймон келтирган бўлур эдилар. Ахир сиз одамларни мўмин бўлишга мажбур қилурмисиз?» (10:99). Бу оятдан хулоса шуки, инсон ўз ихтиёри билан келтирган иймонгина ҳақиқий, мақбул иймондир. Диний бағрикенглик айни вақтда кишилар эътиқоди устидан доимий назорат қилиб юришни инкор қилади. «Айтинг: «Эй инсонлар, сизларга Парвардигорингиздан Хақ – Қуръон келди. Бас, ким ҳидоят йўлига юрса, фақат ўз фойдасига юрган бўлур. Ким (бу ҳидоят йўлидан) озса, фақат ўзининг зиёнига адашган бўлур. Мен сизларни устингизда қўриқчи эмасман» (10:108).

Аллоҳнинг иродаси ва қудрати шу даражадаки, агар Ўзи хоҳласа ҳар қандай инсонни туғри йўлдан юришга мажбур қилар эди. Лекин у инсонга ақл-идрок берди, ҳақ билан ботилнинг нима эканлигини тушунтириб “Китоб”ини нозил қилди ва ихтиёрни одамларнинг ўзига берди. Энди, Аллоҳнинг эътиқод эркинлигини одамлар қўлига бергани ҳолда, қандайдир ўзини “даҳо” сановчи кимса зўрлик билан динга киритишга ҳаракат қилса, бу исломга хилофдир. “Тўғри йўлга (ҳидоят қилиш) ёлғиз Аллоҳ измидадир, (зотан, йўллар) орасида эгриси ҳам бордир. Агар (Аллоҳ) ҳоҳлаганида сизларнинг барчангизни (тўғри йўлга) ҳидоят қилган бўлур эди. (Лекин У зот сизларга қайси йўл туғри ва

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01022

қайси йўллар эгри эканини кўрсатиб, қай бир йўлни танлаш ихтиёрини ўзларингизга қўйиб берди ва ақл-идрок билан Тўғри йўлни танлаб олган бахтли бандаларини Ўз хоҳиш-иродаси билан Ўша Ҳақ йўлга ҳидоят этишни ваъда қилди, эгри йўлларни танлаган кимсалар эса ҳар икки дунёда бахтсиз бўлиб, ўзларига зиён қилишлари тўғрисида ҳабар берди). (16:9).

Ҳозирги кунга келиб, ўтмишнинг бебаҳо маънавий хазинасидан баҳраманд бўлиш учун барча имкониятлар яратилган.

Муқаддас динимиз – Исломда ўз ифодасини топган қадриятлардан айри ҳолда халқимиз маънавий дунёсини тасаввур этиб бўлмайди. Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)га нозил бўлган дастлабки оятданоқ маърифатга, илмга, камолотга ундов шаклида «ўқи !" –деган хитоб янграган эди. Ислом динининг муқаддас китоби «Қуръон» деб аталмиш манбада ҳам рамзий маъно бўлиб, бу муқаддас манба номининг маъноси ҳам «ўқимоқ», «қироат қилмоқ», «жамламоқ» каби мазмунга эгадир.

Диннинг руҳий-маънавий тарбиялаш функцияси инсонларни эзгуллика йўллайди ва ёмон ишлардан қайтаради.

Ислом дини мусулмонларни маънавиятини юксалтиради ва уларни илм олишга ҳам ундайди. Илм аввало инсонни саховатга ўргатади. Хусусан, Имом Исмоил ал-Бухорийдан шундай ҳадис келтирилади: " Ҳазрати Умар разиаллоҳу анҳу бундай деганлар: "Бошлиқ бўлмасингиздан аввал илмни чуқур ўрганинг! Расулуллоҳ (с.а.в): "икки нарсадан ўзгасига ҳасад қилмоқ жоиз эмас, бири—кишига Аллоҳ таоло ҳалол мол-дунё берса-ю, уни ҳақ йўлида сарфлаётган бўлса, иккинчиси - кишига Аллоҳ Таоло илму ҳикмат ато эца - ю, у шу туфайли олий мақомга эришиб, ҳукм сураётган, одамларга билганини ўргатаётган бўлса",- деганлар."

Имом Абу Ҳомид Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Ғаззолий "Иҳёу улумид-дин (дин илмларини жонлантириш)" номли китобида Қуръони Каримдан шундай оят келтиради : "Аллоҳ, фариштилар ва илм аҳллари - адолат билан ҳукм қилувчи ёлғиз Аллоҳдан ўзга ҳеч қандай тангри йўқ, фақат унинг ўзи борлигига гувоҳлик бердилар" [9, 3] (3 :18). Имом Ғаззолий айтади: "Бу оятда Аллоҳ таоло аввал ўзини, кейин фаришталарни, сўнгра илм аҳлини зикр этди. Мана шунинг ўзи илмнинг шарафли, фазилатли ва улуғ эканини англаш учун кифоя қилади" [8, 16].

Қуръонда илм фазилатлари ҳақида кўплаб ибратли оятлар келтирилган. Тоҳа сурасининг 114-оятида шундай дейилади: "(Ей Муҳаммад) айтинг: "Парвардигорим, илмимни янада зиёда қил!" Ёки, Зумар сурасининг 9-оятида:

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01022

“Айтинг: Биладиган зотлар билан билмайдиган кимсалар баробар бўлурми ?!”. Мужодала сурасининг 11-оятида: “Аллоҳ сизлардан иймон келтирган ва илм ато этилган зотларни (баланд) даража - мартабаларга кўтарур.” Имом Ғаззолий ушбу оят мазмуни юзасидан Ибн Аббос (р.а)дан иқтибос келтиради. Ибн Аббос (р.а) айтадилар: “Олимларнинг даражаси илм олмаган мўминларнинг даражасидан етти юз даража юқоридир. Ҳар даражанинг ораси беш юз йиллик йўлга тенг”.

Илм фазилатлари ҳақида Қуръон сураларидан ташқари, ҳадисларда ҳам қатор кўрсатмалар мавжуддир. Диққатга сазовар ҳадислардан бирида: “Олимлар пайғамбарларнинг ворисларидир”,-дейилади. Яна, “Ҳикмат шарафли кишининг шарафини зиёда этади ва қулни подшоҳлар даражасига кўтаради.” Ислом таълимотида ўз билимлари билан ўзгага ва ўзига фойдаси тегадиган шахслар юксак баҳоланади. “Одамларнинг афзали ҳожат тушса, фойда берадиган, беҳожат бўлинса, ўзига фойда берадиган иймонли олимдир” [6, 27]. Мавжуд диний адабиётларда, хусусан Қуръони Каримда илм ўрганиш фазилатлари ҳақида шундай дейилади: “Ахир улардан ҳар бир гуруҳдан бир тоифа одамлар (жанг учун) чиқмайдиларми?! (Қолганлари эса Мадинада) динни ўрганиб, (жангга кетган) қавмлари уларнинг олдиларига қайтган вақтларида, у қавмлар Аллоҳнинг азобидан сақланишлари учун уларни огоҳлантиргани (қолмайдиларми)?!” (Тавба сураси, 122-оят).

Демак, ҳар қандай жангу жадаллар вақтида ҳам бир гуруҳ одамлар жанг қилганлари ҳолда, бошқа гуруҳ илм билан шуғулланиб, олган илмлари мазмуни билан ўзгаларни огоҳ қилишлари шарт. Наҳл сураси, 43-оятида “Агар билмайдиган бўлсангизлар, аҳли илмлардан сўранглар”, - дейилган. Абу Зарр ривоят қилган ҳадисда шундай дейилади: Набий (с.а.в.): “Олимнинг мажлисида ҳозир бўлиш минг ракат намоздан, мингта касални бориб кўришдан афзалдир”, дедилар. Шунда: “Ё Расулуллоҳ, Қуръон тиловатидан ҳам яхшироқми?”- деб сўрашди. Пайғамбаримиз (с.а.в.) айтадилар: “Илм бўлмаса, Қуръон тиловати фойда берадими?” [8, 27]. Ибн Аббос (р.а) айтадилар: “Илм олишда (қийналдим), бир оз хорландим, тилагим ҳосил бўлгач, азизу мукарррам бўлдим”.

ХУЛОСА

Айтиш керакки, миллат динлари, маълум миллатга хос бўлган маънавият ва маданият ривожига ҳисса қўшадиган дин ҳисобланди. Улар маънавий жиҳатдан қуйидагиларни ўз ичига олади: биринчидан, уларнинг вужудга келган

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01022

даврлари ҳамда географик тарқалиши кенглигини кўрсатади; иккинчидан, бу динлар вужудга келган мамлакатлар халқлари ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маданий ҳаёти билан узвий боғлиқ ҳолда шаклланган; учинчидан, ҳар бир миллат динлари ўзидан олдинги дин шакллари (ибтидоий динлар) элементларини ўзида акс эттирган; тўртинчидан, бу дин шакли муайян миллатнинг урф-одатлари, қадриятларини маълум даражада ҳисобга олгандагина яхши ривожланган; бешинчидан, миллат динлари халқлар маънавий маънавиятини ривожланишига ўз ҳиссасини қўшиб келган, ҳозир ҳам шундай вазифани бажармоқда.

REFERENCES

1. Мирзиёев Ш. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2019. –Б.10.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4 жилд. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2020. – 453 б.
3. Мўминов А., Йўлдошхўжаев Ҳ., Раҳимжонов Д., Комилов М., Абдусатторов А., Орипов А. Диншунослик (олий таълим муассасалари бакалавриат ва магистратура талабалари учун дарслик). Toshkent, 2002. 102-bet
4. Диншунослик асослари курсидан маърузалар матни ва услубий маслаҳатлар. Toshkent, 2002, 15-bet.
5. Муҳаммаджонов А. Ўзбекисстон тарихи. - Тошкент: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2013. 33-б.
6. Ибн Жавзий «Мавзуъот»да зикр қилган. Имом Ғаззолийнинг «Иҳёу улумид-дин» асари. 27-бет
7. Қуръон. Оли Имрон сураси. (3 : 18).
8. Имом Ғаззолий. Иҳёу улумид-дин. – Тошкент, 2003. 16-бет.
9. Имом ал-Буҳорий. Илму маърифат нури. (сайланма ҳадислар). «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Тошкент— 1998 – йил. 3-бет.
10. Г.Ғаффарова, А.Абдуллаев. (2021). АХБОРОТЛАШГАН ЖАМИЯТДА МАЪНАВИЙ ҲАЁТНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ. Academic research in educational sciences. Special Issue 2.
11. Gaffarova, G. (2019). Murakkab tizimlarda ahborot generacijasining falsafij-metodologik asoslari. Avtoreferat diss. dokt.filos.nauk. – 65 b.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01022

12. Ғаффарова, Гулчеҳра Ғуламжановна. (2020). Когнитив жараёнда аутопоэзис назарияси. Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар: Республика миқёсида 16-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари. 193-196.
13. G.G. Gaffarova, (2020). Strategy of activity and systematical approach. nternational Journal of Psyshosial Rehabilition. London, United Kingdom, 24, Issue-5, May. - 6645-6651.
14. Gaffarova G.G., Abdullayeva M.N. (2020). Tasavvufning kognitiv tizimi zamonaviy falsafa prizmasida. Academic research in educational sciences. №3. URL:https://cyberleninka.ru/article/n/tasavvufning-kognitiv-tizimi-zamonaviy-falsafaprizmasida (дата обращения: 15.01.2021).
15. Gaffarova, G.G. (2019), Problems self-organization: philosophical analysis //Scientific Bulletin of Namangan State University. -T.1. -№5, - C.185-190.
16. Гаффарова, Г., & Абдуллаева, М. (2020). Тасаввуфнинг когнитив тизими замонавий фалсафа призмасида. Academic Research in Educational Sciences, 1(3), 102-114.
17. Gaffarova, G. G., & Abdullaeva, M. N. (2021). Cognitive system of sufism. ISJ Theoretical & Applied Science, 02 (94), 38-42.15.